

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Суёнов Шахзодбек Шовкатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Тергов фаолияти”
кафедраси ўқитувчиси

Умидуллаев Фахриддин Фарходович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич 326-гурӯҳ курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15720771>

Аннотация

Мақолада вояга етмаган шахсларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий, психологик ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу муаммонинг ижтимоий омиллари, халқаро тажриба ва профилактика чоралари ўрганилади. Мақолада ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари ва жиноятларнинг олдини олиш йўллари бўйича тавсиялар келтирилади.

Калит сўзлар:

Вояга етмаган шахс, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноят тергови, жиноятни аниқлаш, ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси, қонуний чоралар, жиноятнинг олдини олиш, жиноятқа жалб қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, ёшлар бўйича ҳуқуқий таълим, тасирчан тадбирлар.

Гиёҳвандлик глобал муаммо сифатида инсониятнинг саломатлигига ва жамият барқарорлигига катта таҳдид солмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёдаги 15-64 ёшдагиларнинг тахминан 5% гиёҳванд моддалардан фойдаланмоқда. Хусусан, вояга етмаган ёшлар орасидаги гиёҳвандлик балоси айниқса хавфли бўлиб, уларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу глобал муаммога жавобан қатор қонунлар қабул қилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида вояга етмаганларни гиёҳвандликка жалб қилишга қарши чоралар белгилаб берилган. Шу билан бирга, бундай жиноятларни тергов қилишда махсус ҳуқуқий ва психологик ёндашув талаб этилади².

Вояга етмаган шахсларни гиёҳвандликка жалб қилишнинг ижтимоий-иқтисодий ва психологик сабаблари:

Вояга етмаганларни гиёҳвандлик воситаларига жалб қилишнинг турли сабаблари бор. Биринчи навбатда, оилавий муҳитнинг беқарорлиги ёки ота-онанинг эътиборсизлиги ёшларни салбий таъсирларга осонроқ мойил қилади. Ёшларнинг

¹ Б.Б.Муродов. Жиноят-протсессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети 2009. Б. 66-69.

² Б.Б.Муродов. Жиноят-протсессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.

дўстлари ёки атроф муҳитидаги салбий одатларга мойил бўлганлар уларни гиёҳвандликка жалб қилишга ҳаракат қилади³.

Иккинчидан, таълим муассасаларидаги тарбиянинг самарасизлиги ёки ёшларнинг билими, ҳуқуқий ва соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билимлари етарли бўлмаслиги сабабли, улар осонгина салбий одатларга мойил бўлади. Шунингдек, ёшларнинг руҳий саломатлигига зарар етказадиган стресслар, ижтимоий адолатсизлик ва иқтисодий қийинчиликлар ҳам ушбу муаммонинг асосий омилларидандир⁴.

Учинчи сабаб сифатида, оммавий ахборот воситалари ва интернетдаги салбий контент, ёшлар орасидаги салбий тенденцияларни тарқатиш ҳам эътиборга лойиқдир. Ёшлар кўп вақтини интернетда ўтказиши, уларни носоғлом маълумотлар таъсирига остида қолиши хавфини оширади⁵.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вояга етмаган шахсларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларга жалб қилиш омиллари кўпқиррали бўлиб, улар орасида оилавий муаммолар, иқтисодий қийинчиликлар, нотўғри тарбия, паст ижтимоий маданият ва салбий муҳит катта аҳамиятга эга.

Гиёҳвандлик ёшларнинг жисмоний саломатлигига салбий таъсир қилиб, жиноятчилик, ижтимоий изоляция ва бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ёшлардаги гиёҳвандлик ижтимоий барқарорликни сусайтиради ва мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Тергов жараёнидаги ҳуқуқий ва амалиётдаги муаммолар:

Жиноят тергови жараёнида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Терговчиларга вояга етмаганларнинг психофизиологик хусусиятларини инобатга олиш, улар билан мулоқот қилишда малакали психолог ёрдами билан таъминлаш зарур.

Амалиётда эса, тергов жараёнида вояга етмаганларнинг исботлаш қобилияти пастлиги, ўз ҳақиқий ҳолатларини айтиб беришдан қўрқиши ва жиноятни яширишга мойиллиги муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, тергов органларининг етарлича психологик ва ҳуқуқий тайёргарликка эга бўлмаслиги ҳолатлари учрайди. Вояга етмаган шахсларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус ҳуқуқий нормалар ва талаблар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси вояга етмаган шахсларни ушбу жиноятларга жалб қилишни қатъий жазолашни назарда тутди.

Тергов жараёнида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари максимал даражада ҳимоя қилиниши лозим. Улар билан суҳбатлар махсус шарт-шароитларда, психолог ёрдамида ўтказилиши зарур. Тергов органлари малакали психологлар ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шунингдек,

³ Ш.Ш.Суюнов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10сон. 01.10.2022 йил Б. 105-109.

⁴ А.Т.Аширбоев. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.

⁵ Ш.Ш.Суюнов. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.

шахснинг ёши ва психофизиологик ҳолатини инобатга олган ҳолда сўроқ олиш жараёнлари ташкил этилади⁶.

Терговдаги асосий муаммо – вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқий онги пастлиги, уларнинг шахсий манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чораларни тўлиқ амалга оширишдаги қийинчиликлардир. Терговда ушбу жиҳатларга максимал эътибор қаратиш жиноятни аниқлаш ва судгача бўлган ишларнинг сифатини оширишга ёрдам беради⁷.

Тергов жараёнидаги ҳуқуқий ва амалиётдаги муаммоларга ечимлар:

Тергов жараёнидаги асосий муаммолар вояга етмаган шахсларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнида қуйидаги муаммолар кўп учрайди:

Қонунчиликнинг ноаниқлиги ёки камчиликлари: Жиноятларни тергов қилишда қонуннинг аниқ ва қатъий нормалари бўлмаслиги, айниқса вояга етмаганларни ҳимоя қилишга оид алоҳида қоидалар етишмаслиги. Бу терговчиларнинг амалий фаолиятида ноаниқликларга сабаб бўлади.

Терговчиларнинг малакасининг пастлиги: Вояга етмаган шахслар билан ишлашда ҳуқуқий билим ва психологик муомала кўникмаларига эга бўлмаган терговчилар ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ишни тўғри юритишда қийинчиликларга дуч келадилар.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги муаммолар: Тергов жараёнида ёшлар билан мулоқотда психологик қўрқитиш, босим ўтказиш ҳолатлари содир бўлиб, бу уларнинг ҳақиқатни айтишдан бош тортишига ва таҳқиқот самарадорлигининг пасайишига олиб келади⁸.

Психологик ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг етишмаслиги: Тергов жараёнида малакали психологларнинг иштирок этмаслиги ёки психологик ёрдам тизими тўлиқ ривожланмаганлиги сабабли вояга етмаганлар билан ишлашда қийинчиликлар туғилади.

Маълумотлар йиғиш ва ҳимоя қилиш муаммолари: Вояга етмаганлар ҳақидаги шахсий маълумотларни йиғиш, сақлаш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига нисбатан қонунчилик талаблари ва амалий йўللار етарли даражада ишламайди.

Қонунчиликни такомиллаштириш, аниқ ва мукамал қонунчилик базасини яратиш: Вояга етмаган шахсларни гиёҳвандликка жалб қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус қонун нормалари, стандартлар ва методик қўлланмалар ишлаб чиқиши керак. Масалан, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид алоҳида моддалар ва ҳуқуқбузарликларга қарши қатъий чоралар жорий этилиши зарур.

Маҳаллий ва халқаро қонунчиликни мувофиқлаштириш: БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган конвенция ва стандартлар билан мос келадиган миллий қонунчиликни шакллантириш.

⁶ Н.Қ.Усманиев. “Оқилонга муддат” тамойилини жорий этиш назарий ва амалий жиҳатлари //Наука и инновации в системе образования. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 44-50.

⁷ Ш.С.Агоев., Шакирова С. Қийнаш жиноятини тергов қилиш: назария ва амалиёт //Развитие и инновации в науке. –2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 75-81.

⁸ Ш.Ш.Суюнов. Компютер техника воситалари орқали содир этилган фирибгарлик жинояти турлари. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси. 9.06.2023 йил

Терговчиларнинг малакали тайёргарлиги бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш: Вояга етмаган шахслар билан ишлашга ихтисослашган терговчилар учун ҳуқуқий ва психологик таълим курслари ташкил этилиши лозим. Бу курсларда ёшлар психологияси, коммуникация усуллари, ёшларга мос интерактив методлар ўргатилади⁹.

Тажрибали мутахассислар билан ҳамкорлик: Психологлар, педагоглар ва ижтимоий ходимларнинг тергов жараёнига жалб этилиши. Бу ёрдам терговчиларга ёшларни тушунишда ва улар билан мулоқотда қўл келади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик ёрдамни кенгайтириш: Тергов жараёнида вояга етмаганларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тушунтириш бериш муҳим. Ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида адвокатлар ва омбудсман институти фаолиятини кучайтириш зарур. психологик қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш: Терговда ёшлар билан ишлашда малакали психологларни жалб қилиш, уларнинг руҳий ҳолатини баҳолаш ва зарур ёрдам кўрсатиш. Вояга етмаган шахслар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва тарқатишда шаффофлик ва максимал ҳимоя кафолатланиши керак. Бу масалада замонавий ахборот технологиялари ва шифрлаш усулларидадан фойдаланиш тавсия этилади¹⁰.

Жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан терговнинг адолатли ўтишига мониторинг ўрнатилиши лозим.

Тергов жараёнидаги муаммоларга барҳам бериш учун профилактика тадбирлари ва реабилитация дастурлари билан яқин ҳамкорлик қилиш зарур. Ота-оналар, мактаблар, жамоат ташкилотлари ва бошқа институтларни тергов жараёнига жалб этиш, ёшларни ҳимоя қилишнинг комплекс механизмларини яратиш.

Вояга етмаган шахсларни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб қилиш жиноятига қарши самарали курашиш учун ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик чораларни комплекс равишда амалга ошириш зарур. Тергов жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг психологик ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, оила, мактаб ва жамоатчилик ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ёшларни гиёҳвандликка қарши муҳофаза қилишда асосий омил ҳисобланади. Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан самарали профилактика, реабилитация ва ҳуқуқий тарбия чоралари қўлланилиши керак.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

⁹ Хушвактова Н.А. Коррупцияга оид жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда жамоатчилик ёрдамида фойдаланиш // «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари»: республика илмий-амалий конференцияси тўплами – Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали, Т: 2022. Б.78-83.

¹⁰ Н.Қ.Усманиев. Жиноят ишини юретишни тўхтатиш ва тиклаш муддатлари билан боғлиқ айрим мулоҳазалар //Теоретические аспекты становления педагогических наук. – 2025. – Т. 4. – №. 6. – С. 40-47.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба].
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т., 2009. – Б. 199.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. –Т., 2002. – Б. 47.
5. *Б.Б.Муродов*. Жиноят-протсессуал қонун нормаларини эркинлаштириш йўллари // Олий юридик ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари муҳофазасини таъминловчи фанларнинг ўқитишнинг замонавий муаммолари. Тошкент. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултети 2009. Б. 66-69.
6. *Б.Б.Муродов*. Жиноят-протсессуал муносабатларда ҳимоячининг иштироки // “Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎЗР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. – Тошкент, 2010. Б. 171-175.
7. *Б.Б.Муродов*. Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015й.Б. 34-40.
8. *Б.Б.Муродов*. “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” фанидан ўқув дастури. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. Б.24
9. *Ш.Ш.Суюнов*. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилишнинг муҳим жиҳатлари. “Талқин ва тадқиқотлар” Республика илмий-услубий журнали 10сони. 01.10.2022 йил Б. 105-109.
10. *Ш.Ш.Суюнов*. Компютер техника воситалари орқали содир этилган фирибгарлик жинояти турлари. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси. 9.06.2023 йил
11. *Ш.Ш.Суюнов*. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг айбини исботлашдаги аҳамияти. “Замонавий дунёда педагогика ва психология” номли Республика илмий-амалий конференцияси.
12. *Ш.Ш.Суюнов*. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларини сотиш мақсадисиз ноқонуний ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, жинояти тушунчаси // Жамият ва инновация. – 2025. – В. 6. – Но 1/С. – Б. 267-277.
13. *А.Т.Аширбоев*. Айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда жиноят ишини тўхтатишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Жамият ва инновациялар № 1 (2024).– 2024. – 314-320 б.
14. *А.Т.Аширбоев*. Жиноят ишини тўхтатиш тушунчаси ва аҳамияти. Эксперткриминалистик фаолият: истиқболлар ва инновациялар мавзусидаги халқаро конференция материллари тўплами. Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2023. – Б. 381-388.
15. *А.Т.Аширбоев*. Айбланувчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган тақдирда дастлабки терговни тўхтатиш: Назария ва амалиёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси № 1 (2024).– 2024. 95-98 б.
16. *А.Т.Аширбоев*. Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти: халқаро тажриба ва ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари

- //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 14. – С. 37-42.
17. *Н.Қ.Усманиев.* “Оқилона муддат” тамоййилини жорий этиш назарий ва амалий жиҳатлари //Наука и инновации в системе образования. – 2025. – Т. 4. – №. 3. – С. 44-50.
18. *Н.Қ.Усманиев.* Жиноят ишини юритишни тўхтатиш ва тиклаш муддатлари билан боғлиқ айрим мулоҳазалар //Теоретические аспекты становления педагогических наук. – 2025. – Т. 4. – №. 6. – С. 40-47.
19. *Н.Қ.Усманиев.* Протсессуал муддатларнинг ҳисоблашда қўлланилувчи меъзонларнинг айрим жиҳатлари //проблемс анд солутсионс оф ссиентифис анд инновативе ресеарч. – 2024. – Т. 1. – №. 3. – С. 25-30.
20. *Н.Қ.Усманиев.* Байназов Ж. Ўғирлик жинояти бўйича ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш тергов ҳаракатининг янги усуллари //Наука и инновации в системе образования. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 69-74.
21. *Ш.С.Агоев., Шакирова С.* Қийнаш жиноятини тергов қилиш: назария ва амалиёт //Развитие и инновации в науке. –2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 75-81.
22. *Ш.С.Агоев., Абдухамидов А.* Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ахамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 49-51.
23. *Ш.С.Агоев., Асатуллаев Д.* Ахборот технологиялари соҳасидаги ўғирлик жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 7. – С. 31-35.
24. *Ш.С.Агоев., Ташев У.* Экспертиза фаолиятининг арманистон республикаси жиноят-протсессуал қонунчилигидаги ҳуқуқий асослари //Развитие и инновации в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 6. – С. 48-56.
25. *Хушвактова Н.А.* Факторы, препятствующие эффективному использованию общественного участия в досудебном производстве / Н.А. Хушвактова // Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения: сб. ст. по материалам LXV Международной научно-практической конференции «Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения». – № 11(65). – Москва, Изд. «Интернаука», 2022. DOI:10.32743/25419889.2022.11.65.346588
26. *Хушвактова Н.А.* Коррупцияга оид жиноятларни фош қилиш ва тергов қилишда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш // «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари»: республика илмий-амалий конференцияси тўплами – Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали, Т: 2022. Б.78-83.